# ҚОПЛАМА ЭКИНЛАР

## БУ НИМА ДЕГАНИ

Қоплама экинлар = тупроқнинг “кўрпаси”

мульча

Ҳар доим ўсимлик қопламаси!

ёки жонли экинлар қопламаси

ҚОПЛАМАЛИ ТУПРОҚ

10 йил давомида тупроқнинг 1 сантиметридан айрилиш мумкин

у 150 йил давомида ҳосил бўлади

ҚОПЛАМАСИЗ ТУПРОҚ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНМИ?

асосий экинлар, дейлик, пахта билан буғдой орасида

асосий экиндан сўнг паст бўйли экин, масалан, буғдой остидаги беда қолади

Нам етарли бўлса, жонли қоплама экиндан фойдаланган маъқул. Нам бўлмаса, мульчалашдан – ҳосили йиғилиб бўлинган экин поясини майдалаб, тупроқ устига қоплама қилишдан маъқули йўқ.

# ҚОПЛАМА ЭКИНЛАР

## Афзалликлари

тупроқни куйиб кетишдан, қуёш қуритиб юборишидан, унумдор қатлам йўқолишидан, шамол таъсирида емирилишидан ҳимоялаш

қоплама экинлар илдизи тупроқнинг берчлашган қатламини юмшатади

тупроқ тузилмасини яхшилайди, ғоваклигини оширади ва намни сақлайди

бегона ўтлар кўпайиб кетишига йўл қўймайди

зараркунандаларни ҳайдайди

тупроққа органик моддалар қўшади ва тупроқ унумдорлигини оширади

озуқа моддалар айланишини тиклайди

дуккакли экинлар — тупроқ таркибида азот миқдорини оширади

тупроқ биологиясини (макро- ва микрофлора ва фаунасини) яхшилайди

## Камчиликлар

-N2

Қоплама экинларнинг чириши асосий экинлар ўсишининг дастлабки вақтида азот етишмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Қоплама экинлар қўшимча сармоя талаб этади. Лекин улар харажатларни биомасса олиш орқали бевосита ҳамда келгусида ҳосилдорликни ошириш орқали билвосита қоплайди.

## ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР = АЗОТ

Дуккакли экинлар қоплама экин сифатида экилса, азот ўғити ўрнини бемалол босади, чунки илдизлари тупроқда азот йиғади. Турли дуккакли экинлар турли миқдорда азот йиғади. Азот нархи 0.038$/кг бўлган тақдирда фермер 11–68$/га маблағни тежаши мумкин.

Экинлар

Қолдиқ азот (кг/га)

| Экинлар | Қолдиқ азот (кг/га) |
|---|---|
| хашаки нўхат | 54 |
| дала нўхати | 33 |
| бўрилуккак (2-йили) | 30 |
| беда (3-йили) | 85 |
| йўнғичқа (4-йили) | 180 |

$N_2$

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДАЙ ҚОПЛАМА ЭКИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

## Экин ва уруғ қадаш санаси

эспарцет 01-30 март

хўдра экин июнь-июль

тритикале (буғдой билан жавдар дурагайи) 10-30 октябрь

кузги дала нўхати 01-20 ноябрь

кроталярия июнь-июль

дала нўхати июнь-июль

хашаки нўхат 01-20 ноябрь

турп 01-20 ноябрь

Турпни (кузда, яъни ноябрдан ташқари) февраль охири ва март ойида ҳам тўлиқ экиш мумкин!

Бир хил қоплама экин ёки турли экинлар уруғини аралаштириб “коктейль” (аралашма) уруғини қадаш мумкин.

турп+эспарцет

хашаки нўхат+ кузги дала нўхати +турп

кроталярия+хўдра+ озуқабоп нўхат